

# ҚОЧОҚЛАР МАҚОМЛАРИГА ТААЛЛУҚЛИ ПРОТОКОЛ

Ушбу Протоколда Иштирокчи-давлатлар, 1951 йил 28 июлда Женевада имзоланган, Қочоқлар мақомига тааллуқли конвенция (бундан буён Конвенция деб номланади) 1951 йил 1 январга қадар содир бўлган ҳодисалар оқибаотида қочоқ бўлган шахсларгагина тааллуқлилигини эътиборга олиб,

Конвенция қабул қилинган вақтдан бери қочоқларга тааллуқли янги вазиятлар юзага келганлигини ва шу сабабли, ана шундай муносабатга алоқадор қочоқлар Конвенция амал қилишига мансуб бўлмаслиklarини эътиборга олиб,

Конвенцияда қайд этилган таърифга мансуб барча қочоқлар 1951 йил 1 январь санаси кўрсатилганидан қатъи назар, мақомдан тенг фойдаланишлари мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиб,

қуйидагиларга келишдилар:

## **1-МОДДА**

### **УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

---

- 1** Ушбу Протоколда Иштирокчи-давлатлар Конвенциянинг 2–34-моддаларини қуйида баён этилган таърифга мансуб қочоқларга нисбатан қўллаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

---

- 2** Мазкур Протоколнинг мақсадлари учун ушбу модда 3-бандининг қўлланилишига тааллуқли ҳолатларни истисно этиб, “қочоқ” атамаси дейилганда, “1951 йил 1 январгача содир бўлган ҳодисалар оқибаотида...” сўзлари ва “... шу каби воқеалар оқибаотида” 1A(2)-моддасида тушириб қолган ҳолда, Конвенция 1-моддаси таърифига мансуб ҳар қандай шахс назарда тутилади.

---

- 3** Ушбу Протокол Конвенциянинг 1B(1)(a)-моддасига мувофиқ Конвенция иштирокчилари ҳисобланган давлатлар томонидан қилинган баёнот ҳолатларини истисно этган ҳолда унда иштирок этувчи давлатлар томонидан ҳеч бир жўғрофий чеклашларсиз, шунингдек, агар ушбу Протокол 1B(2)-моддасига мувофиқ узайтирилмаган бўлса ҳам қўлланилади.

## 2-МОДДА

### МИЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

- 1 Ушбу Протоколнинг Иштирокчи-давлатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ёки унинг вазифаларини бажариш ўтиши мумкин бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар қандай бошқа муассасалари билан ҳамкорлик қилиш мажбуриятини оладилар ва, хусусан, ушбу Протокол қоидаларини қўллаш устидан назорат мажбуриятларини бажаришга кўмаклашадилар.
- 2 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Олий комиссари бошқармаси ёки унинг вазифаларини бажариш ўтиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа муассасаларига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ваколатли органларига маърузалар тақдим этиш имкониятини бериш учун ушбу Протоколнинг иштирокчи-давлатлари уларга қуйидагиларга тааллуқли ахборот ва статистика маълумотларини тегишли шаклда тақдим этиш мажбуриятини оладилар:
  - а) қочоқларнинг аҳволи;
  - б) ушбу Протоколни бажариш;
  - в) қочоқларга тааллуқли кучда бўлган ёки кейинчалик кучга кириши мумкин бўлган қонунлар, қарорлар ва декретлар.

## 3-МОДДА

### МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Ушбу Протоколнинг Иштирокчи-давлатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига мазкур Протоколнинг қўлланилишини таъминлаш мақсадида қабул қилиши мумкин бўлган қонун ва қарорлар матни тўғрисида хабар беради.

#### **4-МОДДА**

##### **БАҲСЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

Ушбу Протоколнинг иштирокчи-давлатлари ўртасида талқин қилиш ёки қўллашга тааллуқли бўлган ва бошқача усулда ҳал этиб бўлмайдиган барча баҳслар баҳслашаётган томонлардан бирининг илтимосига кўра Халқаро Судга берилади.

#### **5-МОДДА**

##### **ПРОТОКОЛГА ҚЎШИЛИШ**

Ушбу Протокол Конвенциянинг барча иштирокчи-давлатлар номидан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар қандай бошқа аъзо давлатлари ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан Протоколга қўшилиш тўғрисида таклифнома юборилган ҳар қандай ихтисослашган муассаса ёхуд давлат аъзоларининг қўшилиши учун очиқ. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатнинг сақлаш учун топширилиши орқали амалга оширилади.

#### **6-МОДДА**

##### **ФЕДЕРАТИВ ДАВЛАТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МОДДА**

Федератив ёки унитар бўлмаган давлатга қуйидаги қоидалар қўлланилади:

- а) Ушбу Протоколнинг 1-моддаси 1-бандига мувофиқ Конвенциянинг моддаларига нисбатан қўлланиладиган ва федерал қонунчилик ҳокимиятининг қонунчилик юрисдикциясига тааллуқли моддаларига нисбатан федерал ҳукуматнинг мажбуриятлари федератив давлат бўлмаган иштирокчи-давлатлар мажбуриятларига кўрсатилган даражада мувофиқ бўлади;
- б) Ушбу Протоколнинг 1-моддаси 1-бандига мувофиқ Конвенциянинг моддаларига нисбатан қўлланиладиган ва федерацияга кирадиган штат, провинция ва кантонлари федерациянинг конституциявий тузумига мувофиқ қонунчилик чораларини кўриш шарт бўлмаган қонунчилик юрисдикциясига тааллуқли моддаларига нисбатан федерал ҳукумат биринчи имкониятнинг ўзида мазкур моддалар

тўғрисида тегишли штат, провинция ёки кантонларни ўзининг хайрихоҳ муносабати билан хабардор қилади;

с) ушбу Протоколнинг федератив иштирокчи-давлат унга ҳар қандай бошқа иштирокчи-давлатнинг талабига биноан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби орқали Протоколнинг 1-моддаси 1-бандига мувофиқ қўлланиладиган Конвенциянинг ҳар қандай аниқ қоидасига нисбатан федерацияда ва унинг таркибий қисмида мавжуд қонунлар ва амалиётда мазкур қоиданинг қонунчилик ёки бошқа йўл билан ҳаётга татбиқ этилгани кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади.

## **7-МОДДА**

### **ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР ВА АРИЗА**

- 1** Ҳар қандай давлат қўшилиш пайтида ушбу Протоколнинг 4-моддасига ва Конвенциянинг ҳар қандай қоидаларини қўллашга нисбатан мазкур Протоколнинг 1-моддасига мувофиқ 1, 3, 4, 16(1) ва 33-моддаларидаги қоидаларни истисно этган ҳолда, бунда ушбу моддага мувофиқ Конвенция иштирокчи-давлатларининг қўшимча шартлари Конвенция қўлланиладиган қочоқларга нисбатан тааллуқли бўлмаслиги шарти билан қўшимча шартларни кўрсатиши мумкин.
- 2** 42-моддага мувофиқ Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари томонидан қилинган қўшимча шартлар, агар бекор қилинмаган бўлса, ушбу Протокол бўйича уларнинг мажбуриятларига тааллуқли бўлади.
- 3** Ушбу модда 1-бандига мувофиқ қўшимча шартлар берган ҳар қандай давлат, хоҳлаган вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига билдирги юбориш орқали ана шу қўшимча шартни бекор қилиши мумкин.
- 4** Ушбу Протоколга қўшилаётган иштирок этувчи давлат томонидан Конвенциянинг 40-моддаси, 1 ва 2-бандларига мувофиқ қилган баёноти, агар қўшилиш пайтида иштирокчи-давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига бунинг тескараси бўлган билдирги юбормайдиган бўлса, ушбу Протоколга нисбатан ҳам қўлланилади,

деб ҳисобланади. Конвенциянинг 40-моддаси 2 ва 3-бандлари ҳамда 44-модда 3-бандининг қоидалари ушбу Конвенцияга нисбатан ҳам қўлланилади, *mutatis mutandis* деб ҳисобланади.

## **8-МОДДА**

### **КУЧГА КИРИШ**

---

- 1 Ушбу Протокол қўшилиш тўғрисидаги олтинчи ҳужжат сақлаш учун топширилган кундан кучга киради.
- 2 Қўшилиш тўғрисидаги олтинчи ҳужжат сақлаш учун топширилгандан кейин Протоколга қўшилган барча давлатлар учун Протокол ушбу давлатларнинг қўшилиш тўғрисидаги ўз ҳужжати сақлаш учун топширилган кундан кучга киради.

## **9-МОДДА**

### **ДЕНОНСАЦИЯ**

---

- 1 Протоколнинг ҳар қандай иштирокчи-давлати хоҳлаган вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби номига йўлланган билдириш хати орқали ушбу Протоколни денонсация (рад қилиши) қилиши мумкин.
- 2 Ана шу денонсация (рад қилиши) тегишли иштирокчи-давлат учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби бундай билдириш хатини олган кундан бир йил кейин кучга киради.

## **10-МОДДА**

### **БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ ТОМОНИДАН ЮБОРИЛАДИГАН БИЛДИРИШ ХАТЛАРИ**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби юқорида 5-моддада назарда тутилган барча давлатларни мазкур Протоколнинг кучга кириш санаси, қўшилиш, қўшимча шартлар ва қўшимча шартларни олиб ташлаш ҳамда уни денонсация қилиш (рад қилиш), шунингдек, ўзига тааллуқли бўлган баёнотлар ва билдиришномалар тўғрисида хабардор қилади.

## **11-МОДДА**

### **БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ КОТИБИЯТИ АРХИВЛАРИГА САҚЛАШ УЧУН ТОПШИРИШ**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Раиси ва Бош Котиби томонидан имзоланган, инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларидаги матни айнан бир хил бўлган ушбу Протоколнинг нусхаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибияти архивида сақланади. Бош котиб ушбу Протоколнинг тасдиқланган нусхаларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзо-давлатлари ва юқорида 5-моддада назарда тутилган бошқа давлатларга юборади.